

Адл ила олам юзин обод қил!

Куч-адолатда

2023 йил
4 август,
жума
№ 35 (965)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

● <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.



Жорий йилда мамлакатимизда Мустақиллик куни айни шу бош гоя негизида нишонланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 27 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттис икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"-ги қарорида таъкидланганидек, "мустақил тараққиёт йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларимизни изчил давом эттириш, барча соҳа ва тармоқлар ривожини янги босқичга олиб чиқиши мақсадиди бузунги кунда юртимизда миллати, тилини ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро эркин ва фаровон яшайдиган янги жамият ва давлат барпо этилмоқда".

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан сұхбатимиз ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти талқинидан бошланди.


— Президентимизнинг Мустақиллик байрамини нишонлашга бағишлиланган мазкур қарорида мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, хусусан, Конституциямизнинг янги таҳрирда қабул қилиниши эл-юртимиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренесанс пойдеворини яратиша қаратилган ислоҳотларни хар томонлама кўллаб-кувватлаб келаётганини яна бир бор яқол тасдиқлади, дея эътироф этилган бежиз эмас, — деди А.Саидов. — Чунки Мустақиллик – биз барпо этаётган Янги Ўзбекистоннинг ўқ илдизи. Миллий суверенитет – биз пойдеворини тиклаётган Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам таяницидир.

Аслида ҳам, тарихимизда биринчى марта умумхалк референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирга Конс-

титуцияда Янги Ўзбекистон давлати беш конституцияйи белги асосида, янги суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб эълон қилиниб, инсон қадрини янада улуғлаш ва "инсон – жамият – давлат" тамойили асосида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишиб бўйича давлатнинг конституцияйи мажбуриятлари алоҳида муҳрлаб қўйилди. Янги таҳрирга Конституцияда инсон ҳуқуқлари кафолатлари оид нормалар З баробар кўпайтирилди.

Юртимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш, айниқса, таълим тизими ходимларини ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолларига қарши курашиб самародорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» – ги қонун имзоланди.

Мазкур қонун асосида хотин-қизлар ва болалар



хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларни тазайиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишининг

(Давоми 2-бетда) ►

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТУРКМАНИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон томонининг тақлифига биноан 4 август куни амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрида бўлади.

Ташриф дастурiga мувофиқ, олий даражада учрашувлар ўтказиш ҳамда Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Туркманистон Президентларининг уч томонлама самитида иштирок этиш режалаштирилган.

Тадбирлар давомида минтақавий кун тартибидаги дол зарб масалалар кўриб чиқилади.

ЎЗА

Мамлакатимизда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар қатъият билан амалга оширилмоқда. Бу борада истеъмолчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитларни яратиш ва уларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Моҳият

Давлат божи тўловидан тежалган маблағ

тадбиркорлик ривожига ҳисса қўшиади



Шу билан бирга, рақобат мухитини ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан берилган ҳамда ўз муддатида қайтарилмаган кредит маблагларини ундиришга доир дъяволар, аризалар ва шикоятлар билан судларга мурожаат қилиш чоғида давлат бокини тўлашда муайян муаммолар ҳам юзага келмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Тарих тилсимлари

АЛИШЕР НАВОЙИ ВАФОТИ САБАБИ



Маълумки, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг аждодлари узоқ йиллар темурийлар саройида юқори лавозимларда хизмат қилган. Хусусан, отаси Гиёсиддин Кичкина Абулқосим Бобурнинг сарой амалдори, кейинчалик Сабзавор шаҳри ҳокими бўлган. Унинг фарзандлари Баҳлулбек, Алишер ва Дарвешали ҳам сарой мұхитида, шаҳзодалар билан бирга вояга етиб, таълим-тарбия олган.

(Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар



Олий Маъжлис Конунчилик палатасининг навбатдаги маъжлисида мамлакатни ривожлантиришнинг бугунги босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари қабул қилинди.

ПЕДАГОГ МАҶОМИ МАХСУС ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Мамлакатимизда педагогларнинг жамиятдаги маъжимиюти юксалтириш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибига солиш ва

Шахснинг ижтимоий ҳаёвли қиммиши учун айлилигини исботлаш эксперт-криминалистика соҳасига инновациян ёндашувларни кенг татбиқ қилишини тақоғозо этмоқда.

Бу борада давлатимиз рахбарининг "Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада тако-

Мезон

Судларда жиноят шиларини кўриш жараёнда баъзан судланувчилар айбига Сиқор бўлмай, қиммишларини хаспўшилашга уринишади. Аммо суд тергови майданида айблари ради этиб бўлмас далиллар билан исботлангач, қиммишларидан пушаймон бўлиб кечирим сўрашади. Борди-ю, судланувчи айбига тўлиқ икror бўлса, аниқроги, иш бўйича айбига икrorлик тўғрисидаги келишув тузилса, айни ҳолат унга енгиллик беради.

Айбига икrorлик келишуви судланувчининг жазосини енгиллаштиради




Аниқроқ айтганда, Жиноят кодексининг 57-моддасида "Айбига икrorлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар

бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу кодекс Maxsus қисмининг тегишили моддасида (қисмida)

назарда тутилган энг кўп жазонинг яримдан ошмаслиги керак" дея қайд этилган.

(Давоми 3-бетда) ►

Жиноятга қўл урган шахслар идентификация қилиш тизими орқали аниқланмоқда



миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти қарори қабул қилингани тизим самародорлигини янги босқичга олиб чиқиши хизмат қилмоқда.

Соҳага рақамли криминалистика кенг жорий этмоқда. Бу электрон шаклда сақланадиган маълумотларни аниқлаш, олиш, қайта ишлаш,

(Давоми 3-бетда) ►

Моҳият

Давлат божи тўловидан тежалган маблағ

тадбиркорлик ривожига ҳисса қўшади


◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, Рақобатни ри-вожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш давлат жамғармаси судларга мурожаат қилиш чоғидан давлат божини тўлашдан озод этилмоқда.

Үрни келганда шуни қайд этиш керакки, Рақобатни ри-вожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ўртасида тенг рақобат муҳитини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, ушбу янги қонун янги таҳтиридаги "Рақобат тўғрисида" қонунда молиявий жарималар ваколатли орнанинг аризаси бўйича суд

тартибида ундирилиши белгиланганини инобатга олиб, келгусида молиявий жарима кўллашда ҳам судларга аризалар билан мурожаат қилиш тизимини шакллантиришга хизмат қиласди.

Бундан ташқари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган молиявий ёрдамлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари юзасидан судларга мурожаат қилишда давлат божи тўланиб, кейин ушбу бож мидорини жавобгарлардан ундиришда қийинчиликлар юзага келаётгани ҳам сир эмас. Жумладан, 2018 йилдан 2022 йил 1 августга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Тадбиркорлик фаолия-



тини кўллаб-куватлаш давлат жамғармаси томонидан судларга киритилган даъво аризалари учун қарийб 2,4 миллиард сўмлик давлат божидан озод қилиниши давлат божини қайtarib олиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади. Бу ўз навбатида, ҳалол ва шишаотли тадбиркорларни кўллаб-куватлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Хулоса ўрнида айтганда, мумкин. Шу маънода янги қонун асосида Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш давлат жамғармасини давлат божидан озод қилиниши давлат божини қайtarib олиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади. Бу ўз навбатида, ҳалол ва шишаотли тадбиркорларни кўллаб-куватлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Хулоса ўрнида айтганда,

ушбу янги қонун давлат идораларига судларга мурожаат қилиш учун ажратилган давлат божи тўловидан тежалган маблағларни тадбиркорликни ри-вожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчиларини хукуқлари янада ишончли ҳимоя этилишини таъминлаш учун йўналтиришга хизмат қиласди.

**Санобар СУЯРОВА,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси**

Жиноятга жазо муқаррар

Ўтмаган баҳона

ёхуд фириб гарнинг найранглари

Айни пайтда олий ўқув юртлари талабаси бўлиши иштиёқидаги абитуриентлар тест синовларини топширишмоқда. Албатта, чуқур билимга эга, интигувчан ва шижаотли абитетриентларга омад қулиб боқади.

Аммо бундай пайтларда ўзини ҳожатбарор кўрсатиб, олийгоҳларга ўқишига киритиб кўйишни ваъда қиласидан фириб гарлар ҳам ғимирлаб қолади.

Мисол учун айтадиган бўлса, Бувайда туманида яшовчи Аҳад Солиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ҳудди шундай қилмишга кўл урди. Гап шундаки, у ўтган йил август ойида туман марказида Сурайё Пирназарова билан танишиади. Узаро сўхбат аносисида С.Пирназарова коллежни тамомлаган қизи Муҳаррам Шаропованинг институт ёки университетда ҳам ўқитиш нияти борлигини айтади.

– Эй, опа, ўқитиб нима қиласиз? "Пул бўлса, чангала шўрув", дейишиади. Қизингизга тайёр диплом олиб бераман, – дейди аёлнинг ниятини билган А.Солиев.

– Қандай қилиб? – дей С.Пирназарова хайрон бўлиб сўрайди.

– Таниши-билишларим кўп. Улар тезда ҳал қилиб беришади. Хоҳласангиз, Тибиёт Академисига киритиб кўяшимиз, – дейди А.Солиев.

– Кизим тарбиячиликка қизиқади, шу соҳада ўқиш нияти бор, – деб тушунтиради аёл.

– Унда "Бошлангич таълим" йўналиши бўйича ўқишига киритизмиз, – дейди А.Солиев.

С.Пирназарова абитетриентлар ҳар йили июнь ойининг 25, 168-моддаси 3-кисми "а" банди ва 28, 211-моддаси 2-кисми "б" банди билан айборд деб топиб, муайян муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жасосини тайинлайди.

– Ахир, кабул вакти ўтиб кетди-ку, биз ҳали ҳужжат топшраганимиз, – дей савол назари билан А.Солиевга қарайди.

– Бу муаммо эмас. Пул бўлса, бунинг йўли осон, – деб оғиз кўйтириради А.Солиев.

Шундан сўнг у аёлга қизини 10 минг АҚШ доллари эвазига ўқишига киритиб кўйишга ваъда беради.

– Майли, мен эртага қизимнинг ҳужжатларини келтириб бераман, – дейди С.Пирназарова таажуби аримасада.

– Аммо ҳозир бунча пулимиз ўйқ ёди. Иш битгандан кейин

Пўлат МАМАТУСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қўқон шаҳар суди судьяси

Жиноят ва жазо



КАЛТАБИНЛИК ФОЖИАСИ

ЁХУДБИР МУДХИШ
ЖИНОЯТ ТАФСИЛОТИ

Ўтган йил айни саронда мирзачўллик Ахор Аширматов (исм-шарифлар ўзгартирилган) тракторда туман ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ёқасидаги ўйда кетаётгандан етти-саккиз нафар боланинг юргургунча сувда оқаётгандан кузатамётганига кўзи тушади. "Кимдир сувга чўкканга ўхшайди", деган фикрини хаёлидан ўтказган А.Аширматов дарҳол тракторни ўйл четига тўхтатиб, болалар ёнга боргандан каналда ҳандайдир одам юзтубдан ҳолда оқиб келаётганига кўзи тушади. Шунда у шошиб сувга тушади-да, оқиб келаётгандан кимсан қуруқликка олиб чиқади. Афсуски, бу пайтда унинг танасида тириклик аломатлари сезилмасди. Қолаверса, юз қисмидаги оғир жароҳат излари ҳам кўриниб турарди.

(Давоми 4-бетда) ►

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мисол тарикасида айтадиган бўлса, Мирзо Улугбек тумани маданият маркази раҳбари Отабек Ёдгоров (исм-шарифлар ўзгартирилган) шу йил январь ойида марказ бош ҳисобчиси Зубайдада Акрамова билан мұқаддам мавжуд бўлган "концерт ташкитчиси" лавозимини қайта тиклашни маслаҳат қиласди.

Бинобарин, О.Ёдгоров ушбу масалани ҳал қилиш учун бош ҳисобчини туман молия бўлимига юборади. Яъни З.А.крамова туман молия бўлимига бориб, кўзланган штатни тиклашни юзасидан ариза билан мурожаат қилимокчи бўлади. Бироқ молия бўлими бошлиги ўринбосари Шуҳрат Содиков ўнга бошқача таклиф беради:

— Ариза билан мурожаат қилиш шарт эмас. Рахбарларимиздан илтимос қилиб, ушбу лавозимни тиклашга ўзим ёрдам бераман. Фақат бунинг учун минг доллар "харажат" қилиш керак бўлади...

Бундай очик-ошкор таъммигирликни кутмаган бош ҳисобчи аёл бирор ўйланниб қолади. Сўнгра марказ раҳбари билан маслаҳатлашиб кўришини айтиб, хайрлашади. Эртаси куни О.Ёдгоровнинг ўзи туман молия бўлимига боради:

— Биз янги иш ўрни ташкил қиссан, кайсайдир ишсиз мутахассисга фойдамиз тегишини ўйлагандик. Сиз янги штат кўшишининг "харажати" борлигиги айтиб, — дейа у бошик ўринбосарига пул сўраганидан

нораозилигини билдиради.

— Ҳа, бош ҳисобчинигиз келганди. Мен тушунтиргандим. Биласиз-ку, бу осон битадиган масала эмас, — дейди Ш.Содиков мұғомбира оханды.

Холат юзасидан Жиноят кодексининг тегишили моддаси билан жиноят иши кўзғатилиб, ҳозирда тергов харалатлари олиб борилмоқда.


«102» хизматига мурожаат қиласди

яна бир фуқаро ўзига тегишили бўлган савдо дўконидаги башқа харидорлар билан савдо ишларида чалғиганидан

холатирилган ташкил.

— «Нархи»ни сал камайтиринг, — дейди марказ раҳбари.

Хуллас, Ш.Содиков уни бирор ялантиргача, қайд этилган ташкил.



Тарих тилсимлари

АЛИШЕР НАВОЙЙ ВАФОТИ САБАБИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусайн Бойқаро Хурсон таҳтини эгаллагач, Баҳулубек Хурсонга қарашли бўлган Хоразм, Дарвешали Балх вилояти юқимлигига тайинланган. Алишер Навоий мурхдорликдан бош вазиргана бўлган юқори лавозимларда фаолият кўрсатган. Бирок саройдаги фитна ва низолар туфайли бъазида хўкимдор билан келишмовчиликлар ҳам бўлиб турган.

Гарчи Алишер Навоий бутун умрини ижодга бағишига, шу сабабли давлат лавозимларидан бир неча марта иштено берган бўлса-да, Хусайн Бойқаро билан болаликдан дўстлиги уни салтанатдан узоқка кетишига йўл кўймаган. Хусайн Бойқаро салтанатида Алишер Навоийнинг руҳи ва қалбини ларзага солувчи,

юрагини ўртовчи воқеалар авж олади. Дастрлаб 1497 йил шоирнинг севимли шаҳзода-ларидан бири, Хусайн Бойқаронинг набириси Мўмин Мирзо ўз бобоси фармони билан каттап этилади. Орадан кўп вақт ўтмасдан шоирнинг ўз фарзандидек қадрли бўлган жиёни Хайдарбек ўйларидаги, укаси Дарвешали давлатга хоинликда айланбили. Балх вилояти хокимилигидан бушатилиди.

Буларнинг барни табиики, изисиз кетмайди, аксина, Алишер Навоийнинг руҳиятига оғир таъсир кўрсатди, унинг юрак ва қон томир тизими билан боғлиқ хасталигининг кучайшига олиб келади.

1500 йилнинг декабр ойида Султон Хусайн Бойқаро исён кўттарган ўғли Мухаммад Мирзо билан ярашиб, Ҳиротга қайтаётганда уни кутиб олиш

хабар келади. Унда М.Ўрзобеев кўнгил кўйган Эъзоза исмли қиз бошқа йигитга турмушга чиқаётгани маълум қилинганди. Бу хабардан сўнг Мирмуҳсин бир жойда ўтиромлай қолади. У Эъзозага қайта-қайта кўнғироқ қиласди, аммо жавоб бўлмайди. Шундан сўнг у Эъзозанинг Дўстлик туманида яшовчи опаси Саломатхон билан телефонда гаплашишга уринади. Аммо бу уринишлари ҳам бесамар кетади.

Жиноят ва жазо

КАЛТАБИНЛИК ФОЖИАСИ

ҶЕХУД БИР МУДХИШ ЖИНОЯТ ТАФСИЛОТИ

3 июль куни соат йигирма учларда Мирмуҳсин билан Эрали кўп миқдорда спиртли ичимлик ичиб, маст бўлиб қолишиади. Жиззахга бориб, Эъзоза билан учрашиб, муносабатларига тўлиқ ойдинлик киритишга қарор қилишиади. Шу мақсадда улар метронинг "Олмазор" бекасати ёнидаги киракаш таксилар олдига келишиади. Тунги соат 3-4 оралиғида йўлга отланган К.Турдиев "Спарк" автомашинасида улар ёнига тўхтайди. Жиззахгача иккى юз минг сўмга олиб боришига келишишагч. Мирмуҳсин автомашинаси орка, Эрали эса, олд ўринидига ўтиради. Йўлда иккى ҳамтовоқ автомашина бошқарувини кўлга киритиш режасини тузишиади. Улар телефон орқали бир-бири билан мулоқот қилиб боришиади.

Бунга жавобан шуну айтиш керакки, М.Ўрзобеевнинг тогаси Э.Ниёзовнинг қўшишиси бўлган. Тогасиникига тез-тез бориб турган М.Ўрзобеев ўзидан бир ёш кичик Э.Ниёзов билан болаликдан таниш эди.

М.Ўрзобеев ўтган йили Тошкент

шахридаги автомашиналарни ювиш шохобчаларидан бирига ишга киради. Кўп ўтмай у вояга етмаган таниши Э.Ниёзовни ҳам ишга чакиради. Иккласи бирга ишлай бошлайди.

Мудҳиши жиноят юз берганидан бир кун олдин М.Ўрзобеевнинг кўл телефонига нотаниш қиздан "СМС"

нинг бевосита иштироқчиси бўлган, шоирнинг севимли шоғиди тарихчи Ҳондамирнинг маълумот беришича, шоирнинг хасталигига сакта аломатлари борлигини шу ердаги табиблар ва Хурсоннинг бош табиби Абдулҳай Туний ҳам пайқаган. Табиблар мутасаддилар ва бош табиби Ибн Синонинг "Тиб конунлари" китобида сактага чалинглардан биринчи навбатда қон олиши зарурлиги ҳақида маълумот кептирганини ўтиришган. Аммо бош табиб негадир бунга амал қилмаган.

Бу ҳадда Ҳондамир шундай ёзди: "... Табобат илмидан хабардор бир гурух кишилар "касал соғайиши учун шу ерда-еък бемордан қон олиши лозим" дейишиди. Аммо табобатдан лоф-коф уриб юрувчи мавлоно Абдулҳай Туний (Ҳондамир Навоийнг ўлимидан бош табиби Абдулҳай Тунийни айблашган. Бирок бош табиб атай шундай йўл тутмаган, аксина, у Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти, буюк мутафаккирнинг ҳаётни учун таваккал қилишдан чўчиган. Чунки ўша пайтда Алишер Навоийга дахлор ҳар бир чора-тадбир факат Ҳусайн Бойқаронинг маҳсус кўрсатмасига биноан амалга оширилган.

Ҳар не бўлганда ҳам, ҳақиқи шуки, буюк бобаклонимиз, мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзидан бой адабий мерос қолдириди. У бутун инсониятнинг бебаҳо маънавий ҳазинасиади.

Албатта, тарихда буюк алломанинг касаллиги билан боғлиқ турли хил фикр, тахминлар билдирилган. Айтиш керакки, ўша пайтда ҳам, кейинчалик ҳам кўплар Ҳусайн Бойқаро салтанатининг бош табиби Абдулҳай Тунийни айблашган. Бирок бош табиб атай шундай йўл тутмаган, аксина, у Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти, буюк мутафаккирнинг ҳаётни учун таваккал қилишдан чўчиган. Чунки ўша пайтда Алишер Навоийга дахлор ҳар бир чора-тадбир факат Ҳусайн Бойқаронинг маҳсус кўрсатмасига биноан амалга оширилган.

Ҳар не бўлганда ҳам, ҳақиқи шуки, буюк бобаклонимиз, мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзидан бой адабий мерос қолдириди. У бутун инсониятнинг бебаҳо маънавий ҳазинасиади.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Буюклик қирралари

Жаҳонга машҳур "Apple" компанияси асосчиси Стив Жобсинг ҳаётни ва фаолияти, ўзига хос фикрлари кўпчилик қизиқтириши шубҳасиз. Шу боис қўйида уларнинг айримларини ўтиборингизга ҳавола этишини лозим топдик.



ЭНГ МУҲИМИ – ИЛГОР ФИКР

Ҳаётдаги сенинг вазифанг оппоқ қоғоздек тоза умр саҳифаларини тўлдириш. Қилаётган ишингдан кўнглиинг тўлишини истасанг, унинг муҳимлигига ишон. Муҳим ва буюк ишларни қилишнинг шарти — уларни севишdir.

Яратувчилар ёки лидерлар ҳамда уларнинг издошлари, ишқибозларини ажратиб турадиган ягона фарқ – илгор фидрир.

Охири 33 йил мобайнида ҳар тонгда кўзуга қараб ўзимдан бугун ҳаётимнинг сўнгги куни бўлганида шу бугун режалаштирган ишни қўлган бўлармидим, деб сўрайман. Агар кетма-кет "йўқ" деган жавоб бўлса, демак, ниманидир ўзгартиришим кераклигини англайман.

Баъзида ҳаёт бошингга фишт билан урганида ҳам, мақсадингдан чалғима.

Ҳаётдаги энг қадрли бойлик вақт экани барчамизга кундай равшан.

Бу оламда вакting чегараланган. Шундай экан, уни кимнингдир ҳаётда яшаб, бекорга совурма. Ички овозингнинг бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари шовқинида қолиб кетишига йўл кўйма. Ва энг муҳими, қалбинг ва сезигларингга эргашишни унутма.

Оддийлик ҳар доим дикқат-эътиборим доирасидаги маасала бўлиб келган. Оддийликка эришиш ҳатто мураккабликка эришишдан ҳам кийин: фикрлар тиниқлашуви учун анча тер тўкишга тўғри келади. Аммо охир-оқибат бу уринишлар натижага муносиб бўлади: оддийлик билан тогни ҳам силжитса бўлади.

Менга қабристонда кўмилган энг бой одам бўлишнинг аҳамияти йўқ. Ҳар тун ўйкуга кетишидан аввал бугун қилинган қойилмақом бирор ишни ўйлаб, ҳузурланиш – энг муҳими.

Ийитлик чоғларимдаёқ ўзим севган ишни топганимдан баҳтиёр эдим. Дўстим Стив Возняк билан ота-онамнинг гаражида "Apple"га асос согланимизда 20 ёшда эдим. Биз тинимсиз меҳнат қилардик ва 10 йил деганда, баҳоси 2 миллиард АҚШ долларига тенг ва 4 минг нафар ходимни бирлаштирган компанияга эга бўлдик.

Мен 23 ёшимда бир миллион, 24 ёшимда ўн, 25 ёшимда ўз миллион АҚШ долларига эга эдим. Бирок бу мен учун аҳамиятсиз бўлган. Чунки ҳеч қаҷон пул учун ҳаракат қилишсанни тайинлайди.

Омадсиз тадбиркордан фарқли равишида муваффақиятни тадбиркорнинг ютуқлари кунт ва қатъиятга боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилдим.

Нима қилишдан кўра нима қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш мухим.

Харидорлардан улар нимани хоҳлашини сўраб, буни уларга яратиб бергунингча улар бошқа қулаликларни истаб қолади. Кўпинча одамларга кўрсатмагунингча улар нима хоҳлашини билмайди.

Интернет материаллари асосида Бобомурод РАЙМОВ тайёрлади.

Куч – адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош мухаррир:
Шодикул ҲАМОРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙМОВ

Сахифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбая акциядорлик компанияси
босмахонасида оғсет усулида босилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Туриқ чоҳи, 41-йч.

Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота

кўчаси, 6-йч, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашор индекси: якка тартиба - 574, ташкилотар учун - 575.

Буюртма: Г-715 Қофз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоб.

Сотууда эркин нарҳда. Адади: 4440

1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 22³⁰.